

ОЛИЙ МАРТАБАЛИ МЕҲМОН САМАРҚАНДАДА ХАЛҚИМИЗНИНГ БОЙ МАДАНИЙ МЕРОСИ БИЛАН ТАНИШДИ

Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов 23 апрель куни ташриф билан Ўзбекистонга келди.



Тантанали равишда икки мамлакат байроқлари билан безатилган Самарқанд халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни давлатимиз раҳбари кутиб олди.

Самарқанд шаҳридаги тадбирлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов биргаликда Ҳазрати Хизр мажмуасига ташриф буюриб,

Биринчи Президентимиз хотирасига хурмат кўрсатдилар.

Қабрга гуллар қўйилди. Қуръон тиловат қилинди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари ва Туркман халқининг миллий етакчиси биргаликда “Буюк ипак йўли” халқаро туризм марказидаги “Боқий шаҳар” тарихий-этнографик мажмуаси ҳудудида ташкил этилган маданий тадбирларда иштирок этдилар.

Олий мартабали меҳмон халқимизнинг бой маданий меросини акс эттирувчи

кўргазмалар, хунарандчилик ва амалий санъат намуналари билан танишди. Рақс жамоаларининг чиқишларидан иборат маданий дастур намойиш этилди.

Ташриф дастурига мувофиқ, икки томонлама учрашув ўтказиш кўзда тутилган.

Музокараларда Ўзбекистон — Туркменистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилади.

ЎЗА

ОЛИЙ ДАРАЖАДА ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАРНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 апрель куни Самарқанд шаҳрида амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашув аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг саломини ва энг эзгу тилакларини етказди.

Сўхбатда Ўзбекистон — Россия дўстлик, кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш нуқтаи назаридан янада мустаҳкам-

лашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Барча йўналишларда фаол мулоқотлар ва сермахсул алмашинувлар олиб борилаётгани мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажми ошмоқда. Худудлар ва етакчи sanoat корхоналарининг кооперацияси кучаймоқда. Маданият, санъат, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт

ва туризм соҳаларидаги ҳамкорлик кенгайиб бормоқда.

Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ВАҚТНИ ИМКОНияТГА, ИМКОНияТНИ ЮТУҚҚА, ЮТУҚНИ ТАРАҚҚиЁТ ПОЙДЕВОРИГА АЙЛАНТИРАЁТГАН СПОРТЧИЛАР



Бугунги кунга келиб эса азму шижоатли ёшларимизнинг халқаро арена-лардаги ғалабали одимларини йиллар эмас, балки ойлар кесимида таҳлил қилишга тўғри келяпти. Масалан, ҳали ниҳоясига етмаган апрелни олайлик. 20 кун

нари-берисида музаффар спортчиларимиз 20 йилга татигулик тарих ёзди, назаримизда.

Хусусан, яқинда ўсмир футболчиларимиз Саудия Арабистони майдонларида бўлиб ўтган нуфузли мусобақа

Янги Ўзбекистон руҳи

Ўтган йили Париждаги Олимпия ва Паралимпия ўйинларида кўлга киритилган тарихий ғалабалар спортсевар халқимизни беҳад қувонтиргани, миллионлаб ватанпарвар юртдошларимиз қалбини фахрийфтихорга тўлдиргани айни ҳақиқат. Ўшанда аксар катта авлод вакилларида ўзбек спортидаги бундай катта натижаларни яна тўрт йил кутамизми, деган хавотир ҳам кузатилгани бор гап. Зотан, бу ҳолат мантиқан тўғри. Чунки спортга 30-40 йиллик ишқибозлиги, муҳлислиги мобайнида бунақа тарихий зафарлар кам кузатилган.

— Осиё кубогига мислсиз жасорат намуналарини кўрсатиб, ғолибликни кўлга киритди. Бу ғалаба Ўзбекистон U-17 терма жамоасининг Осиё кубогини нафақат бирорта мағлубиятсиз кўлга киритгани, балки финал баҳси — мезбон

жамоага қарши икки ўйинчи кам бўлиб эришган матонатли ғалабаси туфайли ҳам тарих зарварқларидан жой олади-ган бўлди.

Давоми 3-бетда



Янги ёндашувлар



ВОДИЙЛИКЛАР БЕТОНЛАШТИРИЛГАН АРИҚЛАРДАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ОЛМОҚДА

Сув тириклик, ризк-рўз, фаровонлик манбаи сифатида қадрланади. Ота-боболаримиз ундан мақсадли фойдаланиш, ироф ва ифлос қилмасликка чоғланган. “Сувга тупурма, чиқинди ташлама, сув “қўзи”ни тўсма” каби панд-насихатлар орқали уни асраш, тежаш, мақсадли фойдаланишга ундаган. Айниқса, ариқларнинг тозалиги, сувнинг бир маромда оқиб туришига алоҳида эътибор қаратган.

Бир пайтлар сув кучи ёрдамида улкан тегиримон тошини гир айлантириб, дон-дун янчиш буюк кашфиёт сифатида баҳоланган. Энди замонавий гидроиншоотлар қуриш, яшил электр энергияси олиш имконияти яратилди. Ана шу мақсадда каналлар, сув йўллари таъмирланиб, бетонлаштириляпти. Бунинг ҳисобига ариқлардаги сув оқими тезлашиб, кичик ГЭСлар қуриш, электр энергияси олиш усуллари оммалашди. Мазкур чора ортқча маблағ, ишчи кучи ва ер ости бойликла-

рисиз муқобил энергия олиш имконини беради.

Президентимиз Андижон вилоятига ташрифи доирасида бу муҳим масалага алоҳида эътибор қаратиб, избоксанлик тадбиркор томонидан ишга туширилган, қуввати 3,2 мегаваттлик кичик ГЭС йилига 8 миллион киловатт-соат электр энергияси бераётгани, бу туман аҳолиси истеъмолининг 20 фоизини қоплашини эътироф этди. Бу бежиз эмас, албатта.

Давоми 2-бетда

Бошланиши 1-бетда

Намунали лойиҳа вилёятнинг сув оқими юқори бўлган ариқ ва каналларида жорий этилса, 75 мегаватт қувватга эга кичик ГЭСлар қуриш имконияти вужудга келади. Бу йил Андижон вилёятида қуввати 24 мегаватт, кейинги йилда яна 20 мегаватт — жами 763 та кичик ГЭС ишга туширилиши ҳисобига 38 минг хонадон узлуксиз электр билан таъминланиб, вилёятнинг электр импорти 10 фоиз қисқаради.

Бундан 7-8 йил аввал бундай истиқболли лойиҳалар ҳақида ўйлаш, гапириш, мулоҳаза, мушоҳада юритиш хомхаша эди. Мавжуд ресурслар фақат экинзорларни сугоришга хизмат қилган. Энди бу борадаги қарашлар, фикрлар ўзгарди. Сув ўзанилари муқобил, арзон ва сифатли электр энергияси манбаси сифати халқ ҳўжалиги, аҳоли манфаати йўлида хизмат қилаётган муҳим тармоққа айланди. Ҳаётбахш ислохотлар одамлар оғирини енгил, узогини яқин қилапти.

Фаргона туманининг чекка ҳудуди бўлган Шоҳимардон қишлоғидаги Кўксув сойида 2,2 мегаватт ва Юқори Водил қишлоғида 430 киловатт кичик ГЭС барпо этилиб, яқин маҳаллалардаги аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаб келяпти. ГЭС қурилиши ҳудудларга ободлик, одамлар кўнглига ёруғлик олиб кирди. Кичик ГЭС йилгига

ўртасидан ўтган сув асрлар давомида шовуллаб оқиб турган. Аммо ундан мақсадли фойдаланиш, электр энергияси олиш, одамлар корига ишлатиш учун ҳеч қандай лойиҳа амалга оширилмаган. Энди ҳаммаси мутлақо бошқача. Сувдан самарали фойдаланиш, ташаббусларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ислохотлар қишлоғимизга янги ҳаёт, кўтаринкилик олиб келди. Энди чироқ ўчмайди.

Юқори Водил маҳалласидаги кичик ГЭСда йилгига ўртача 2,17 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариши ҳисобига 615 минг метр куб табиий газ сарфининг олди олинди. Янги тармоқ электр таъминоти оғир бўлган ҳудуд аҳолисини узлуксиз электр энергияси билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

Тоғларнинг ўйноқи жилгалари бирлашиб, шарқираб оқадиган сой ва дарёларга айланди. Уларнинг кучли оқими эса янги гидроиншоотлар қуриш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Кува туманидаги Толмозор қишлоғи Каркидон сув омборининг куйи қисмида жойлашган. Сув омбори қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш мақсадида 1967 йили қуриб битказилган бўлиб, унга сув Исфайрамсой ва Жанубий Фаргона каналидан оқиб келиб қуйилади. Иншоотдаги тўлиқ сув ҳажми 216 миллион метр куб. Сув омбори атрофида 1,6 минг гектар ўзлаштирилмаган адирлик бор.

Бу ерда соатига 120 киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга 5 та кичик гидроэлектр станцияси қурилиши поёнига етди. Мутахассислар сув тармоқлари четини бетонлаш ҳисобига сув оқимини янада тезлаштирди. Айтишларича, бир сув оқими олти марта электр энергияси ҳосил қилиш имконини берар экан. Янги лойиҳа бир вақтнинг ўзида 250 дан ортқ хонадон ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларини арзон электр энергияси билан таъминлайди.

Чархпалак кўринишидаги қурилма ўзига хослиги билан ажралиб туради. Гидроэлектр станцияси сув сатҳига мос ҳолда генераторни ҳаракатлантириб, электр энергияси ишлаб чиқариб беради. Яъни сув миқдори камайса ҳам бир меъёрда фаолият юрита олади.

Каркидон сув омбори ҳудудидаги сойлар, дам олиш масканларидаги сув ҳавзаларининг имкониятини ўрганган ҳолда 10 та микро ГЭС қуриш борасида ишлар давом эттириляпти. Ҳозирга қадар қурилиш қуввати 2400 киловатт кичик ГЭСлар қурилиши яқунланди. Бу бир вақтнинг ўзида 480 та хонадонни муқобил электр энергияси билан таъминлайди. Бир йилда 216 минг метр куб метр табиий газни тежашга хизмат қилади. Мазкур миқдор туман ҳудудидан оқиб ўтган бошқа сой ва каналларга нисбат қилинса, кичик ГЭСнинг катта имкониятини чамалаб олиш қийин эмас. Оддий қилиб айтганда, бир оқим бўйича юқоридан пастга ҳаракатланиб келатган сув сарфидан қайта-қайта фойдаланиб, экологик тоза энергия олинади.

Кува тумани ҳудудида оқиб ўтувчи Жанубий Фаргона каналда чархпалак типидagi микро ГЭС — “200 киловатт Кува-1” лойиҳаси ишлаб чиқилиб, унинг фундамент ишлари яқунланди, — дейди Фаргона давлат техника университети докторанти Дониёржон Ботиров. — Мазкур лойиҳа орқали йилгига 43 минг 200 киловатт-соат электр энергияси ҳосил

Сой ва каналларда чархпалак кўринишидаги кичик гидроэлектр станциялари қуриш орқали муқобил электр энергияси олиш тажрибаси Фаргона вилёятидаги бошқа шаҳар ва туманларда ҳам оммалашаяпти. Хусусан, Ёзёвон тумани ҳудудидан оқиб ўтган Катта Андижон, Катта Фаргона каналларининг Хонобод ирмоғи ҳамда Ёзёвонсой ташламасида қуввати 340 киловатт 10 та кичик ГЭС қурилиши бўйича лойиҳа амалга ошириляпти.

ўрнатиш ва тажриба-синов ўтказиш, тижорийлаштириш борасида амалий ишлар қилинмоқда. “Технопарк” ва “Микро ГЭСларни лойиҳалаш” маркази ташкил этилган. Шу кунга қадар қуввати 50 киловаттгача бўлган экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқарувчи илк микро ГЭС Марҳамат туманидаги “Роҳат” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ишга туширилиб, 240 та хонадон муқобил электр энергияси билан таъминланди.

Вилёятимизда муқобил электр энергияси ишлаб чиқариш орқали истеъмолчиларнинг электр энергиясига эҳтиёжини таъминлаш борасида катта имконият бор,

Чархпалак кўринишидаги қурилма ўзига хослиги билан ажралиб туради. Гидроэлектр станцияси сув сатҳига мос ҳолда генераторни ҳаракатлантириб, электр энергияси ишлаб чиқариб беради. Яъни сув миқдори камайса ҳам бир меъёрда фаолият юрита олади.

13 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Натижада йилгига 3,5 миллион куб метр табиий газ сарфининг олдини олади.

Маълумотларга кўра, ўтган йили Шоҳимардон қишлоғидаги 1100 фуқаро ва 43 улгуржи истеъмолчи томонидан 9,8 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлатилган. Истеъмолдан ортан йиллик 3,2 миллион киловатт-соат электр энергияси қўшни республикага экспорт қилинди.

Кичик ГЭС ишга туширилгани иқтисодий самара келтириш билан бирга, сайёҳлик инфратузилмаларининг ривожланишига ҳам хизмат қилапти, — дейди “Шоҳимардон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Икромжон Абдухалиқов. — Бундан ташқари, янги иш ўринлари очилиб, ёшларнинг бандлиги таъминлангани ҳам бизни қувонтиради. Қишлоғимиз қоқ

Президентимиз ўтган йили Фаргона вилёятига таширифи чоғида мазкур сув омбори атрофидаги 250 гектар майдонда экотуризм мажмуаси, 100 дан зиёд дам олиш, савдо-сервис, кўнгилочар масканлар, замонавий меҳмонхона барпо этиш борасида ишга солинмаган имкониятлар борлиги, ундан мақсадли фойдаланиш юзасидан керакли кўрсатмалар берганди. Бугун бу ерга келган киши “Яшил белбоғ” яратиш, экотуризм, гастрономик туризм тармоқлари барпо этиш борасидаги бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўлади.

Каркидон сув омборининг куйи қисмидан оқиб ўтган сув ўзани замонавий андозалар асосида таъмирланиб, бетонлаштирилган исрофгарчиликларнинг олдини олиш билан бирга, энергия гидроиншоотларини қуриш имкониятини кенгайтирди.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Шероф Қорабоев оёган суратлар.

Фаргона туманининг чекка ҳудуди бўлган Шоҳимардон қишлоғидаги Кўксув сойида 2,2 мегаватт ва Юқори Водил қишлоғида 430 киловатт кичик ГЭС барпо этилиб, яқин маҳаллалардаги аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаб келяпти. ГЭС қурилиши ҳудудларга ободлик, одамлар кўнглига ёруғлик олиб кирди. Кичик ГЭС йилгига 13 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Натижада йилгига 3,5 миллион куб метр табиий газ сарфининг олдини олади.

қилинади. Олтириқ тумани ҳудудида эса Малайзия ҳукумати инвестицияси ҳисобига қуввати 150 киловатт-соат бўлган микро ГЭС қурилиши бошланди.

Сой ва каналларда чархпалак кўринишидаги кичик гидроэлектр станциялари қуриш орқали муқобил электр энергияси олиш тажрибаси Фаргона вилёятидаги бошқа шаҳар ва туманларда ҳам оммалашаяпти. Хусусан, Ёзёвон тумани ҳудудидан оқиб ўтган Катта Андижон, Катта Фаргона каналларининг Хонобод ирмоғи ҳамда Ёзёвонсой ташламасида қуввати 340 киловатт 10 та кичик ГЭС қурилиши бўйича лойиҳа амалга ошириляпти. Бу иншоотлар қурилиши натижасида соатига 340 киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бир ойда ўртача 183 минг, бир йилда 2 миллион 203 минг киловатт-соат қўшимча электр энергияси олиш имконияти вужудга келади.

Фаргона давлат техника университети олимлари германиялик мутахассислар билан ҳамкорликда сой ва каналларга қуввати 3 киловаттдан 100 киловатт-соатгача бўлган микро ГЭСларнинг янги конструкцияларини лойиҳалаш, тайёрлаш, қуриб

— дейди Фаргона давлат техника университети профессори, техника фанлари доктори Сирожиiddин Эргашев. — Бугун қуввати 3 киловаттдан 500 киловаттгача бўлган янги авлод турбинали микро ГЭСлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Биринчи босқичда вилёятимиз ҳудудидан ўтган Катта Фаргона ва Жанубий Фаргона каналлари, Андижон канали ва тармоқларига (сув оқимининг талаб қилинган параметрларига эга) ўртача қуввати 50 киловатт 230 та микро ГЭС қуриш мумкинлиги аниқланди. Уларнинг ўртача йиллик иш соати 8000 бўлса, ишлаб чиқарган электр энергияси қуввати 92 миллион киловатт соатни ташкил этади. Бу вилёят бўйича бир йилда сарфланадиган электр энергиясининг икки фоизини иқтисод қилиш имконини беради. Бундан ташқари, Германиянинг гидроагрегат ишлаб чиқарувчи “WASSERKRAFT VOLK AG” ҳамда “NEXTGEN SOLUTIONS” консалтинг компаниялари билан ҳамкорликда Кува ва Фаргона туманларида микро ГЭСлар ва 200 киловатт-соатгача электр энергияси ишлаб чиқарувчи янги турбогенератор типидagi гидроагрегатлар тайёрлаш борасида ишлаяпмиз.

Олимларнинг амалий изланиши туфайли муқобил электр энергияси ишлаб чиқарувчи шомол агрегатлари, куёш неллари, куёш иссиқлик тизимларининг тажриба нусхалари яратилди. Ҳозир кичик оқимли дарё ва каналларга чархпалак типидagi гидроиншоотлар ёрдамида электр энергияси олиш бўйича саккизта лойиҳа муваффақиятли ишлаб турибди.

Сув йўқотилишини камайтириш мақсадида каналларни бетонлаш дастури сув оқимини тезлаштириш ҳисобига кичик ГЭСлар қуриш имкониятини янада кенгайтирмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



ҲОЗҲОННИНГ БУГУНГИ ҚИЁФАСИ

ТУПРОҒИ ҲАМ, ТОШИ ҲАМ, ТАРИХИ ҲАМ БЕБАҲО ШАҲАР

Карим ота бундан бир неча йил олдин Ҳозғон шаҳарчасига яқинларини кўргани келганди. Саломатлигидаги муаммолар туфайли бу ерга келмаганига анча вақт бўлганди. Самарқанд шаҳридан синглиси тушган шаҳарчага бориш сўнги вақтларда оғирлик қилди. Мана, жиянлари энди фарзандларини ўйлантириш тараддудида. Ўғли машинада олиб бориб келишини айтганида, йўл узок бўлса-да, Карим ота тўйга боришга рози бўлди.

Отахон бир неча йил олдин Ҳозғонга шаҳар мақоми берилганини эшитган эди. Шаҳарга қирав экан аввал келган жойларини танимади.

— Илгари фақат тошли уйлар бўлар эди. Ҳозир жуда ҳам обод манзилга айланди-ди-ку, — деди отахон ўғлига ҳайратини яширолмади.

— Албатта, ота, Ҳозғон шаҳарга айлангач, бу ерда прокуратура, ички ишлар идоралари, марказий поликлиника, адлия бўлими ва давлат хизматлари маркази ҳамда янги таълим муассасаларининг биноси қуриб битказилди. Ҳозир кўрғанингиз шаҳар ҳокимлиги биноси. Бу ерда ҳам катта қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилляпти, — деди ўғли отасининг сўзларини тасдиқлаб.

Дарҳақиқат, айни пайтда Ҳозғон шаҳрига келган киши бу ҳудуднинг бунёдкорлик марказига айланганига гувоҳ бўлади. Бугун шаҳарда бор-йўғи 4 та маҳалла борлигини ҳамма ҳам билвермаса керак. Аммо ҳудуднинг номи табиий бойликлари ва иқтисодий салоҳияти билан машҳур.

Ҳозғон шаҳрида 1930-йилларда мрамр конларини фаол ўзлаштиришга киришилгач, яшаш манзили сифатида ҳам ривожлана бошлаган. 1975 йилда эса шаҳарча мақомини олган. Давлатнинг раҳбари Навоий вилёятига 2016 йил ноябрдаги таширифи чоғида Ҳозғонда мрамр ва гранитга асосланган қурилиш материаллари саноати базасини ташкил этиш, юқори инфратузилмага эга саноат шаҳрига асос солиш, ҳудудни комплекс ривожлантиришнинг яқин истиқболдаги режасини ишлаб чиқиш ғоясини илгари сурган эди. Шу асосда Олий Мажлис Қонунийлик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 сентябрдаги “Навоий вилёяти таркибида Ҳозғон шаҳар ҳокимлигини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида қилинган кенг қўламли ишлар натижа-сида ҳудуд бошқа шаҳарлардан қолишмайдиган инфратузилмага эга бўлмоқда.

такропланмас ранги билан ажралиб туради. Унга ишлов бериш ҳам осон. Очиги, Ўзбекистонда бизнес юритиш биз учун жуда қулай. Қолаверса, хорижлик ишбилармонлар юртингизда жуда ҳурмат қилинади. Бугун бу ерда 20 га яқин маҳаллий ишчининг бандлиги таъминланган. Ишлаб чиқарилаётган мрамр ва гранит маҳсулотлари асосан, хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Ҳозғон мрамари совуқ ҳамда иссиққа чидамли, юз йилгача сифатини йўқотмайди. Шу сабабли, хорижда жуда харидорғир.

Ушбу йирик лойиҳаларни амалга ошириш орқали ҳудудда 10 мингта иш ўрни очил белгиланган. Бугун шаҳар аҳолиси 9500 дан зиёд эканини инобатга олсак, Ҳозғон шаҳри яқин келажакда бошқа ҳудудлардан ҳам меҳнат ресурсларини жалб этувчи йирик саноат марказига айланади.

Ҳозғон шаҳрида қончилик билан бирга хизмат кўрсатиш ва чорвачилик соҳаларини ҳам ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Ҳозғон шаҳри ҳокими ўринбосари Руслан Шодиев. — Бугун йирик корхоналарни ташкил этиш бўйича хорижий давлатлар тадбиркорлари билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шаҳарда қулай инфратузилма яратиш мақсадида бунёдкорлик ва қурилиш ишлари давом эттирилмоқда. Ҳар куни янги бинолар қад ростламоқда.

Шунингдек, шаҳарда қон саноати корхоналарини ривожлантириш билан бирга хотин-қизларнинг иш билан бандлигини таъминлашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда яқинда 100 ўрилли тикувчилик фабрикаси қурилиб, фойдаланишга




топширилди. Айни пайтгача корхонадан 550 минг долларлик маҳсулот экспортга чиқарилади.

Ёшлигидан тикувчиликка қизиққан Мунаввар Шодиевнинг орзуси ушбу корхона ишга тушиши ортидан ушладди. У шу вақтга қадар уйда буюртма асосида турли кийим-кечак ва буюмлар тикиб, даромад олган ва рўзғорига қарашиб келган. Энди эса доимий иш жойи ва даромадга эга бўлди. Мунаввар каби яна юздан зиёд хотин-қиз айни вақтда ушбу корхонада ишлаяпти.

— Маҳсулотларимиз асосан, экспортга йўналтирилади, — дейди “Premier” корхонаси иш юритувчиси Гулмира Ҳожиева. — Корхонамизда болалар ва қатталар учун махсус кийимлар ишлаб чиқарилади. Ишчи-ҳодимларимизнинг ишлаши, овқатланиши ва қатнаши учун корхона томонидан барча шароит яратиб берилган. Айни вақтда яна бир филиалимиз иш бошлади. У ерда ҳам 80 хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Келгусида корхонамиз филиалларини қўпайтириб, янги иш ўринларини очиб, ишлаб чиқариш қувватини ошириш ҳаракатидамиз.

Бугун юртимизнинг кенжа шаҳри бўлган Ҳозғон ҳар жиҳатдан ривожланмоқда. Шаҳардаги маҳаллалар обод бўлиб, бунёдкорлик жараёнида ҳудуд тарихи ва маданиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу заминнинг тупроғи ҳам, тоши ҳам, тарихи ҳам бебаҳо. Улардан самарали фойдаланиш ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим омил бўлмоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



2025 йил 24 апрель, 83-сон

ВАҚТНИ ИМКОНИЯТГА, ИМКОНИАТНИ ЮТУҚҚА, ЮТУҚНИ ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИГА АЙЛАНТИРАЁТГАН СПОРТЧИЛАР

Бошланиши 1-бетда

Ёки Саудия Арабистонида ўтказилган яна бир нуфузли спорт мусобақаси — 18 ёшгача бўлган спортчилар ўртасидаги енгил атлетика бўйича Осиё чемпионатини олайлик. Қўтга биринчилигида юртдошларимиз 3 та олтин, 5 та кумуш ва 4 та бронза, жами 12 та медални қўлга кириштириб, ўз тарихида биринчи марта умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Албатта, мамлакатимизда енгил атлетикани ривожлантириш, юртимизнинг ушбу спорт тури бўйича халқаро нуфузини оширишда ёшлар, шу жумладан, хотин-қизлар, фаол ва фидойи йигит-қизларнинг ўрни бекиёс.

Утган йили Олимпия ва Паралимпия ўйинларида мамлакатимиз делегацияси таркибидagi аёл спортчилардан 3 нафари олтин, 8 нафари кумуш ва яна 3 нафари бронза медални қўлга кириштириб, юртимизнинг спорт тарихида янги саҳифа очди. Ушбу натижаларни “Лос-Анжелес — 2028” Олимпиада-сида янгилаш, хусусан, “спорт қиролчаси” ҳисобланган енгил атлетикада янада кўпроқ медалларни қўлга кириштириш учун бугун барча имкониятлар ишга солиниб, ҳозирдан пухта тайёргарлик кўрилимоқда.

Гап спортимизнинг апрелдаги ютуқларини ҳақида борар экан, шу ўринда яна бир шонли ғалабани эътироф этиб ўтиш керак. 2018 йилда ташкил этилган Ўзбекистон хоккей федерацияси қисқа вақтда улкан натижаларни қўлга киритди. Хоккей бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси халқаро майдонда ажойиб натижа кўрсатди. Арманистонда ўтказилган жаҳон чемпионатида хоккейчиларимиз ўз дивизионда голиб бўлиб, келгуси мавсумда учинчи дивизионда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бундан олдин, аниқроғи, март ойида Таиландда 18 ёшгача бўлган хоккейчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ҳам терма жамоамиз ғалаба қозongan эди.

Айни пайтда Ўзбекистонда тўртта болалар ва ўсмирлар хоккей мактаби фаолият

кўрсатмоқда. Улардан учтаси — “Хумо”, “Бинокор” ва “Снежный Барс” Тошкент шаҳрида жойлашган. Самарқанд шаҳридаги яна бир мактаб — “Шердор” ҳам ёш хоккейчиларни тарбияламоқда. Ҳозир Ўзбекистонда жами тўрт юздан ортиқ ўсмир хоккей билан мунтазам шугулланмоқда.

Ўзбекистон хоккей федерацияси негизда ҳакамлар мактаби ҳам фаолият юритмоқда. 20 дан ортиқ мутахассис ушбу мактаб битирувчиси бўлди. Уч ҳакам Халқаро хоккей федерацияси сертификатини олди.

Миллий спортимизда эришилаётган бу каби залворли ғалабалар нимадан далолат? Албатта, бу янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлидаги шиддатли ислохотлар, юртимизни ҳар томонлама барқарор тараққий эттиришга доир стратегик ҳужжатлар марказида инсон қадрини улуғлаш, ёшларга ўз истеъдоди ва салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шароитлар яратиш вазифаси тургани ҳамда ушбу мақсад доирасида кечаётган тарихий янгиланиш жараёни самарасидир. Бу ютуқлар йигит-қизларимизнинг тинимсиз меҳнати, юксак маҳорати, мустаҳкам иродаси ва матонати, яхшиланиб бораётган спорт инфратузилмаси, спортта муносабатимиз ўзгаргани, янгича ёндашувларнинг дастлабки нишонасидир.

Умуман олганда, сўнгги йилларда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш баробарида спортни янада оммалаштириш орқали кундалик турмуш тарзимизга айлантириш, профессионал спортчилар тайёрлаш қўлами ва сифатини ошириш борасидаги самарали саъй-ҳаракатлар бугун натижасини берапти ва барчамизни бирдек қувонтирмоқда.

Тизимдаги янгиланишлар ва уларнинг самаралари ҳақида соҳа вакиллари нима дейди? Келинг, уларнинг шу хусусдаги фикр-мулоҳазаларига қўлоқ тутсак.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ЮКСАК МАРРАЛАРНИ ЗАБТ ЭТИШГА ҚОДИР

Баҳодир МАХСИТОВ,
Ўзбекистон спорт ташкилотлари
фахрийлари кенгаши раиси,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган ёшлар мураббийси:

— Бугунги кунга келиб, спорт янги Ўзбекистон давлат сиебатининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Сўнгги йилларда соҳани изчил ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар бугун спортнинг оммавийлигини таъминлаш баробарида дунё ареналарида икбий натижаларини кўрсатмоқда. Энг муҳими, бу ютуқлар қўлами кенгайиб бормоқда.

Жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштириш бўйича аниқ дастурлар амалиётга татбиқ этилаётгани спорт билан шугулланувчилар сонини кескин оширди. Айни пайтда марказлардан тортиб, энг чекка қишлоқларда ҳам барпо этилган замонавий спорт иншоотлари, соғломлаштириш майдончаларига назар солсангиз, ёшлар билан тўлаллигини кўрасиз.

Худудларда спорт мактаблари сонини кўпайтириш, ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги лойиҳа ва дастурларни ҳаёtgа татбиқ этиш масалалари давлатимизнинг алоҳида эътиборида. Мақсад — жисмоний

тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланганлар сонини кўпайтириш, аҳолининг жисмоний фаоллигини ошириш, Ўзбекистон терма жамоаларининг Олимпия ва Паралимпия ўйинлари, жаҳон ва қўтга чемпионатларида муваффақиятли иштирокчини таъминлаш. Мураббийларни тайёрлаш, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш орқали соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳам устувор вазифалардан саналади.

Бу мақсадлар “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ўз ифодасини топган. Унда жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланган ёшлар қамровини кенгайтириш, оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш орқали ёшлар қамровини 8 миллиондан ошириш, спорт билан шугулланишга жалб қилинган аҳоли улушини 36 фоизга етказиш белгиланган.

Шу билан бирга, камда 5 мингта маҳаллада спорт майдончаларини ташкил этиш, спорт-таълим муассасаларида мунтазам шугулланувчи ёшлар сонини 1 миллион нафарга, спорт соҳасида олий маълумотли ходимлар улушини 85 фоизга етказиш устувор вазифалар қаторига киради.

Сўнгги тўрт йилда бюджетдан спортга ажратилаётган маблағ 1,5 триллион сўмдан 3 триллион сўмга ошди. Мураббийларнинг ўртача маоши 2 баробар кўпайди. 100 дан ортиқ

“Сўнгги тўрт йилда бюджетдан спортга ажратилаётган маблағ 1,5 триллион сўмдан 3 триллион сўмга ошди. Мураббийларнинг ўртача маоши 2 баробар кўпайди. 100 дан ортиқ йирик спорт иншооти қурилди, 70 га яқини реконструкция қилинди. Спортчиларимиз эришаётган оламшумул ютуқлар ислохотларимизнинг ёрқин натижалари ҳисобланади.



Президентимиз бу борада қатор ташаббусларни илгари сурди. Аввало, олимпия ва паралимпия ҳаракатини ривожлантириш, селекция тизимини яхшилаш мақсадида Олимпия қўмитасининг ҳудудий бўлиmlари ташкил этиладиган бўлди. Улар ҳар бир федерация билан бирга Олимпия ўйинларига тайёргарлик даври бўйича стратегия ишлаб чиқади. Бунинг учун зарур шароит ва инфратузилмага 300 миллиард сўм йўналтирилади.

Ингиллишда яна бир муҳим масалага эътибор қаратилди. Бу иқтидорли спортчиларни топиш, саралаш ва тайёрлаш жараёнига рақамлаштиришни кенг жорий қилишдир. Бу, ўз навбатида, қобилиятли ёшларни юзга чиқаришда катта аҳамият касб этади.

Биз яқин-яқингача боксчиларимиз билан мактанардик, миллий курашчимиздан фахрланардик, футболимизни яхши дердик. Спортнинг бошқа турлари ҳақида гап кетганида эса мум тишлардик. Негиз? Чунки ҳар қандай спорт тури бўйича иқтидорлар аниқланадиган, чарҳланадиган, профессионал даражага йўналтирилган пайт — ёшлик чоғимизда спорт билан шугулланишга эътибор ҳам, шароит ҳам етарли бўлмаган. Қанчадан қанча иқтидорлар бу даврни қўчдада тентираш, далада пахта териш билан ўтказди.

Шароит, эътибор бўлса, натижа ҳам бўлиши бугун яна бир бор ўз ибтидини тоғди. Демокриманки, спортни янада ривожлантириш борасидаги кенг қамровли ислохотлар бардавом экан, келгусидagi Олимпия ва Паралимпия, Осиё ўйинлари ҳамда жаҳон чемпионатларида бундан-да юксак натижаларга эришаверамиз. Мана шундай навқирон, азму шижоатли ёшларимиз нуфузли халқаро спорт мусобақаларида муносиб иштирок этиб, Ўзбекистон номини дунёга танитишда, юртимиз байроғини баланд кўтаришда давом этиши шубҳасиз.

ҒАЛАБАЛИ ОДИМЛАРИМИЗ ҲЕЧ ҚАЧОН ТЎХТАМАЙДИ

Элдор ПОЁНОВ,
Қарши олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази енгил атлетика бўлими мураббийи:

— Авваллари ҳам ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга қўйилган маънода эътибор бор эди. Яъни ушбу йўналишга маблағ ажратилиб, кўп худудларда спорт мажмуалари барпо этилганди. Шунга қарамай, самарадорлик нуқтаи назаридан натижаларимиз жуда суст эди. Айниқса, жамоавий спорт ўйинлари, олимпия спорт турларида олдинги силжиш қоникарли даражада эмасди.

Мураббий сифатида бунинг энг асосий сабаби, биринчи навбатда, селекция ишлари яхши йўлга қўйилмаганида деб биламан. Биргина селекция ишларидаги нўноқлигимиз таъсирида кўплаб иқтидорли ёшлар назардан четда қолиб кетди.

Кейинги йилларда спорт соҳасида ҳам янги давр бошланди. Хусусан, тарғибот-ташвиқот кенгайди, ҳар бир худудда селекциячилар ҳаракати йўлга қўйилди. Натижада энг чекка манзиллардаги маҳоратли ўғил-қизлар саралаб олинди, уларнинг бошқалар илгаман яширин қобилияти юзгага чиқарила бошланди. Буни мен амалда жуда кўп кузатишман.

Бундан тўрт-беш йил олдин селекция ишлари режасига кўра, Яккабоғ туманининг олис тоғ этагидagi мактабда енгил атлетика спорт туридан кичик мусобақа ташкил этилган бўлди. Шунда бошқа мураббийлар қатори менда ҳам: “Бу худудда енгил атлетикага қизиқувчи ёшлар бўлмаса керак”, деган



хавотир бор эди. Сабаби, мактаб баландликда жойлашган, спорт зали ҳам йўқ. Биттагина футбол ўйингоҳи мавжуд бўлиб, тўпни сал қаттиқроқ тепсангиз, сойликка тушиб кетад. Шундай бўлса-да, мусобақа ўтказишга аҳд қилдик.

Етарли шароит бўлмаса-да, мактаб стадионида имкон даражасида беллашувларни бошлаб юбордик. Бир оздан сўнг ўқувчиларнинг ҳаракатларини кўриб, ҳайратда қолдик. Тўғри, қондаларни билмаса-да, лекин уларнинг шунчалик тез югуриши, баландликка сакрашини кўриб, хавотиримиздан асар ҳам қолмади. Мен асосан, ядро, босқон улоқтириш бўйича саралаш ўтказгандим. Қишлоқ болалари ҳаттоки

бир йилдан бери шугулланиб юрган шогирдларимдан ортиқ вазифаларни бажарганини кўриб қойил қолдим.

Шундан сўнг ҳар бир мураббий икки-уч ёшни саралаб, ўзимизга шогирдликка олдик. Ушша пайтда эндигона саккизинчи синфга ўтган Шаҳрибону Зариповани марказимизга етказиб келганимда, босқон улоқтириш ҳақида тушунчаси бўлмаса-да, иқтидорли экани сезилиб турарди. Унинг чаққон ҳаракатлари, фақат ғалабага интилишни мени қизиқтирганди.

Машгулотларни бошлаб юбордик. Адашмаган эканман, аста-секин таланти юзгага чиқа бошлади. Ҳозирга қадар тўрт карра Ўзбекистон чемпиони бўлди. Мамлакатимиз терма жамоаси аъзолигига қабул қилиниб, халқаро спорт майдонларида юртимиз шарафини ҳимоя қилишни бошлади.

Яқинда Саудия Арабистонида ўтказилган 18 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида енгил атлетика бўйича Осиё чемпионатида ҳам иштирок этиб, босқон улоқтиришда 56,47 натижа билан бронза медалга сазовор бўлди. Олдин қишлоқ қизининг бундай натижаларга эришиши ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаганди.

Шаҳрибонунинг бу билан тўхтаб қолиш нияти йўқ, Асосий мақсадимиз — келгуси йил Осиё ўйинларида иштирок этиб, олтин медал олиш, навбатдаги Олимпия ўйинларида байроғимизни баланд кўтариш.

Шаҳрибону билан боғлиқ тажрибамдан келиб чиқиб ишонч билан айта оламани, юртимизда иқтидорлиларга кенг йўл очилган экан, ғалабали одимлар ҳеч қачон тўхтамайди.

ХОККЕЙ БЎЙИЧА БИЗДАГИ ШАРОИТ КЎПЧИЛИК ХОРИЖЛИК МУТАХАССИСЛАРНИНГ ҲАВАСИНИ КЕЛТИРАДИ

Алишер АЗИМОВ,
“Бинокор” хоккей клуби
мураббийи:

— Илк марта хоккей майдонига кириб бординида етти ёшда эдим. Бугун элиқ етти ёшдаман. Мана, элиқ йилдирки, шу спорт тури ичидаман.

Илгари юртимизда хоккей, ўша давр нуқтаи назаридан олиб қараганда, яхши ривожланганди. Бир қанча жамоаларимиз бор эди. Турли мусобақалар, халқаро турнирларда муносиб иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киришиб келардик. Лекин орадан вақт ўтиб хоккей эътибордан қолди. Жамоалар ҳам тарқатиб юборилди. Ўзим бу спорт турини яхши кўрганам боис, хориждаги клубга бориб, уларга қўшилишга мажбур бўлганман. Мамлакатимизда ҳам хоккей қайта тикланар, деган умидда анча вақтгача ўша ерда ўйнадим. Очиги, бу кунларни кўп кутдик.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан хоккей бугун яна қайта тикланди. Каттагина, замон талабларига мос спорт аренаси қад ростлади. Федерация ташкил этилди. Бундан биз, мураббийлар мамнун бўлиб, ёшларни ушбу спорт турига ўргата бошладик. Ҳаракатларимиз самарасини бериб, қисқа фурсатда хоккей майдонларида унутилган жамоаларимиз номи баралла айтила бошланди.

Бугун юртимизда айнан хоккей билан шугулланиш учун яратилган шароитлар кўпчилик мутахассисларнинг



ҳавасини келтиради. Бу имкониятлар, албатта, спортчини фақат олдинга ундатиш аниқ.

Яқинда Арманистонда ўтказилган жаҳон чемпионатида миллий терма жамоамиз муносиб иштирок этиб, 4-дивизиондаги тарихий ғалабаси эвазига 2026 йилда турнирнинг 3-дивизиони “В” гуруҳида ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритди. Чемпионатни кузатиб борарканман, жамоамиз анча фаол иштирок этганига гувоҳ бўлдим. Жумладан, Кувейт, Эрон, Индонезия вакиллари устидан ишончли ғалабага эришди. Умуман олганда, йигитларимиз мусобақа давомида рақиблар дарвозасига 79 та шайба

кириштириб, энг яхши жамоа сифатида эътироф этилди. Март ойида Таиландда 18 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам жамоамиз голибликни қўлга киритганди. Бунда ёшларимиз нафақат олтин медалларга эғлиқ қилди, балки юқори тоифага чиқишининг урдаасидан ҳам чиқа олди.

Асосийси, ушбу спортга қаратилган эътибор тез орада натижасини кўрсата бошлади. Фикримча, келгусида юртимизда бошқа спорт турлари қатори хоккей ҳам янада оммалашади. Бунинг таъсирида соғлом турмуш тарзига амал қилувчилар қўлами кенгайиб, муз устида беллашадиган ёшларимиз янада кўпаяди.



Президентимизнинг шу йил 1 апрелдаги “Республика ҳудудларини жадал комплекс ривожлантириш учун танлаб олинган туман (шаҳар)ларда амалий чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида”ги қарорида бир қатор асосий мақсадлар белгилаб берилган. Жумладан, 16 та туман (шаҳар)да саноат ишлаб чиқариши ҳажми ўртача 7-8 фоиз, бозор хизматлари ҳажми 15-17 фоиз, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажми 5 фоиз барқарор ўсишини таъминлашга эришилади.



ДЕНОВ — ИШСИЗЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКДАН ХОЛИ ҲУДУДГА АЙЛанади

Муҳим масала саналадиган ишсизлик даражасини 4-5 фоизга, камбағаллик даражасини 6 фоизга пасайтириш, бунда юртимизнинг бир қатор шаҳар ва туманлари Қўнғирот, Асака, Ғаллаорол қаторида Денов туманини ҳам ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш ишлари олиб борилди.

Мамлакатимиздаги энг кўп аҳолига эга туманлардан бири Деновда фуқароларнинг янада яхши яшаши ва қулай тадбиркорлик фаолияти учун муҳим шароитлар яратилади.

— Қарорга кўра, туманимизни жадал комплекс ривожлантиришнинг асосий мақсадлари белгилаб олинди, жумладан, саноат ишлаб чиқариши ҳажми ўртача 7,7 фоиз, бозор хизматлари ҳажми 15,2 фоиз, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажми 4,3 фоиз барқарор ўсишини таъминлаш кўзда тутилмоқда, — дейди Денов тумани камбағаллиқни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи Искандар Исмоилов. — Денов туманини ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш олдимизда турган энг асосий вазифа этиб белгилаб берилди.

Статистика агентлиги маълумотига кўра, Денов тумани Ўргут туманидан кейин юртимизда аҳоли сон буйича энг кўп — 430,5 минг кишига эга ҳудуддир. Президентимизнинг тегишли қарорига асосан, аҳоли зич яшайдиган Денов туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича кенг қўлмали дастур амалга оширилмоқда. Хусусан, йирик савдо мажмуалари, турар жой комплекслари, сайилтоҳлар, 24/7 режимида фаолият юритувчи туризм кўчалари, шунингдек, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш нуқталари ташкил этилмоқда.

Денов туман марказини аҳоли яшаши ва дам олиши учун қулай шаҳарга айлантириш орқали урбанизацияни жадаллаштириш лойиҳаларини молиялаштириш учун 43,6 миллиард сўм йўналтирилади.

Маҳаллий ҳокимлик органлари, ташкилот ва идораларнинг бино-иншоотларини

оптималлаштириш учун эса 15 миллиард сўм ажратилади.

Дастур доирасида туманда маҳаллий бошқарув органларини бир жойда оптимал жойлаштириш бўйича амалий дастурлар ишлаб чиқилиб, бунда маъмурий биноларни янгидан қуриш ва бўшайдиган биноларни тадбиркорлик субъектларига савдо ҳамда сервис фаолиятини йўлга қўйиш учун ажрати бериш белгиланди.

Шунга мувофиқ, Деновдаги 21 та ташкилот битта бинода фаолият кўрсатади. Янги қуриладиган маъмурий бинонинг 1-2-қаватларида тадбиркорлик субъектларининг савдо ва сервис фаолияти йўлга қўйилади. Ташкилотлар эса юқори қаватларга жойлаштирилади.

— Юртимизда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жамоатчилик билан бамаслаҳат қабул қилинаётганига Денов туманини янада ривожлантиришга қаратилган, яқиндагина қабул қилинган қарор бир мисол бўлади. Бу, ўз навбатида, қарорларнинг, аввало, халқ манфаатларига асосланган ҳолда қабул қилинаётганини кўрсатади. Шу билан бирга, жамяят манфаатларини кўзлаган, жойларда сақланиб қолаётган долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган ташаббусларни рўёбга чиқаришга кўмаклашилпти, — дейди “Нуроний” жамғармиси Денов тумани бўлими раиси Азамат Холматов. — Хурматли нуронийларимиз бугун юртимизда ҳукм сураётган ривожланиш ва осудалиқни ҳамда юрт келажаги йўлидаги амалий ишларимизу қўлга киритаётган ютуқларимиздан фаҳрга тўлиб, келажаги порлоқ юрт эртасига кўзлар тегмасин, дея дуолар қилмоқда.

Энди туман (шаҳар)ларни жадал комплекс ривожлантириш дастурлари доирасида



юқори иқтисодий ўсишга туртки берувчи ижтимоий ва инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш учун давлат бюджетидан 1 триллион сўм ажратилади.

Қабул қилинган янги қарор доирасида Деновда саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш учун шарт-шароит яратилади, инфратузилмани ривожлантириш, “яшил” тамойил ва ёндашувларни ҳамда рақамлаштиришни жорий қилиш лойиҳалари амалга оширилади.

Денов тумани — Сурхондарё вилоятининг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутадиган ҳудуд. Сўнгги йилларда маҳаллий аҳоли чиқиндиларни қайта ишлаш орқали ўз даромадларини оширишга жиддий эътибор қаратмоқда. Ана шундай ташаббускор тадбиркорлардан бири — “Абдулфайз —

Фаровон — Денов” МЧЖ раҳбари Нуриддин Жумаевни ҳам жорий ой бошида қабул қилинган қарор янада хурсанд қилди.

Нуриддин Жумаев чиқиндини қайта ишлаш орқали нафақат даромад топиш, балки жамиятга манфаат келтириш мумкинлигини амалда исботлаб бермоқда.

— Биз маҳаллий аҳолидан йиғилган пластик, металл ва қоғоз чиқиндиларни қайта ишлаб, улардан янги маҳсулотлар тайёрлаймиз. Бу нафақат атроф-муҳит муҳофазасига, балки кўплаб иш ўринлари яратишга ҳам хизмат қилмоқда. Ҳозирги кунда чиқиндиларни қайта ишлаб, плёнкали пакет, халтача, ҳожатхона қоғози, резина қувурлар ишлаб чиқаряпмиз, — дейди тадбиркор. — Жарқўрғон, Қумқўрғон, Шўрчи, Олтинсой, Узун, Сарисоё ва Денов туманларидан

66 Дастур доирасида туманда маҳаллий бошқарув органларини бир жойда оптимал жойлаштириш бўйича амалий дастурлар ишлаб чиқилиб, бунда маъмурий биноларни янгидан қуриш ва бўшайдиган биноларни тадбиркорлик субъектларига савдо ҳамда сервис фаолиятини йўлга қўйиш учун ажрати бериш белгиланди.

қайта ишлаш учун чиқиндилар олинмоқда. Бир кунда қарийб 30 тоннадан ортиқ чиқинди қайта ишланади.

Корхона фаолияти сабаб одамларда чиқиндини тўғри саралаш маданияти ҳам шаклланимоқда. Корхонада ҳозирги кунда 40 нафар доимий ишчи меҳнат қилмоқда. Бу иш ўринлари нафақат уларнинг ҳаётини яхшиламоқда, балки ижтимоий барқарорлиқни таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда.

— Бизнинг ҳар бир ходимимиз фақат иш билан банд эмас, балки табиатни асраш йўлида ҳам фаол ҳисобланади, — дейди Нуриддин Жумаев. — Келажақда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экспортга чиқиш ва янги турдаги қайта ишлаш технологияларини жорий этишни мақсад қилганмиз.

Денов туманидаги бундай ташаббуслар чиқинди тушунчасини ўзгартiryпти. Энди чиқинди фақат муаммо эмас, балки имконият, ресурс, иқтисодий бойлик сифатида кўрила бошланди.

Қарорда белгиланган вазифалар доирасидаги ишлар қишлоқ хўжалиги ходими Ўрлобой Маҳмудовни ҳам хурсанд қилди. У икки-уч йилдан буён ички бозор ҳамда Россия, Қирғизистон, Италияга гул кўчатлари етказиб бермоқда.

Ҳозир 20 турдан ортиқ гул ва манзарали дарахт кўчатларини парваришламоқда. “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида кўни-кўшини ва маҳалла аҳли томорқасида ҳам кўчатчиликни йўлга қўйган.

Ўрлобой Маҳмудов томонидан яратилган гулчилик хўжалиги нафақат оилавий бизнес сифатида, балки маҳалла аҳолиси учун ҳам иш ўринлари манбаи ҳисобланади.

Бугунги кунда у маҳалла аҳлидан 10 га яқин инсонни иш билан таъминлаган. Улар кўчатларни парвариш қилиш, сугориш, экспорт учун саралашда банд. Ўрлобой Маҳмудов гулчиликни ривожлантиришда фақатгина мавжуд бозорлар билан чекланиб қолмай, унинг географик камровини кенгайтириш ниятида. Айни пайтда у Туркия ва қозғистонлик тадбиркорлар билан шартномалар тузиш устида ишламоқда. Шунингдек, ўзи етиштирган гул кўчатларини онлайн платформа орқали сотишни йўлга қўйиш ниятида.

— Асосий мақсадимиз — Ўзбекистонимизда ишлаб чиқарилган гул ва манзарали дарахт кўчатларини халқро бозорга олиб чиқиш, — дейди тадбиркор Ўрлобой Маҳмудов. — Айни пайтда қарордан руҳланиб, экспорт ҳажмини ошириш учун янги технологиялардан фойдаланиш, замонавий иссиқхоналар қуриш ва халқро стандартларга жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш режаларимиз бор.

Ҳозирги кунда Денов туманида 57 минг 647 та томорқа ер майдони бор. Туманининг асосий драйвери деҳқончилик ва чорвачилиқдир. Шу сабабдан мавжуд 98 та маҳалланинг барчасида томорқадан унумли фойдаланиш йўлга қўйилган.

Хусусан, гулчилик ва кўчатчиликда Тасмасой, Чим, Ўзғариш, Қуёшли юрт, Жамабак, Дунётепа, Янги Ҳазорбоб, Охтом, Чамбил, Навбахор, Навниҳол, Қорахон, Намуна, Лолазор, Тотувлик каби маҳаллалар етакчилик қилади.

Бир сўз билан айтганда, Деновда аҳолини қўллаб-қувватлаш ва улarga қўшимча даромад манбаларини яратиш мақсадида турли соҳаларда инновацион ечимлар жорий этилмоқда. Қабул қилинган янги қарор Деновни янги тараққийот босқичига кўтарадиган муҳим ишларга дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Неча йил давомида яхши ният қилиб, кези келганда емай-ичмай пул тўплаб, янги қурилган кўп қаватли уйлардан замонавий хонадон харид қилсангизу, ҳеч қанча яшамасингиздан лифти бузилиб турса, одамнинг хафсаласи пир бўлиб кетади. Қўнғил қолиш-ку майли, масаланинг бошқа жиддий томони бор: носоз лифт бузилиб, ичида узоқ вақт қолиб кетишга тўғри келиши ёки ўтган йили эшитганимиз каби лифтларнинг ичи тўла одам билан бирдан пастрга тушиб кетиши ҳаёт учун яхшигина хавф дегани. Ана шундай ҳолатлар ортидан кўплаб одамлар бир муддат янги қурилган уйлардан хонадон сотиб олишга қўрқиб қолгани ҳам ёдимизда.

Янги қурилган уйлар деяётганимизнинг боиси шундаки, уларнинг лифти ҳам ўзига мос тарзда анча замонавий, фойдаланилган материаллари мустаҳкам, бузилиб қолса ҳам эшигини оддий ҳаракат билан очиб бўлмайди. Бу уларнинг афзаллиги ҳам аслида. Аммо фойдаланганимизда кўплаб қулайлик ҳис этадиганимиз ҳашамдор лифтлар, афсуски, хавфсизлик жиҳатидан ҳар доим ҳам талабга жавоб берамапти.

Жорий йил март ойи ўрталарида Яшнобод туманидаги кўп қаватли уйлардан бирининг лифт қурилмаси ҳаракатланмиш жараёнида тўхтаб қолган. Мутасаддиларнинг маълумотига кўра, лифт тўхташ қаватига келганда секинлаштириш функциясини ишлатувчи мослама носозлиги туфайли ўз вақтида керакли “сигнал” етиб бормаган. Натижада қурилманинг ҳимоя функцияси ишлаб, лифт 2- ва 3-қават оралиғида ҳаракатланмишдан тўхтаган. Хавотирлиси, лифт ичида одамлар бўлган. Хайриятки, хизмат кўрсатувчи ташкилот вакиллари тез етиб келиб, 4-5 дақиқада одамлар чиқариб олинган. Техник хизмат кўрсатилгандан сўн лифт яна соҳ ҳолатда ишлаб бошлаган.

Шундай хабарларни эшитганимизда дарҳол лифт ичидаги одамлар кўз олдимизга келади. Билишимча, замонавий лифтлар энг қурилгани боис, ичидаги ҳаво анча сиқилган бўлади. Шу сабаб бузилса, узоқ вақт қолиб кетиш анча хавфли. Кабинадаги алоқа воси-



ИШОНЧ ВА ХОТИРЖАМЛИКНИ ОРТТИРАДИ

талари ишламаса ёки талабга жавоб бермаса, бу хавф янада ортади. Талабга жавоб бермаслик ҳолатлари эса кўпинча лифтни техник қўриқдан ўтказмаслик, хавфсизлик сертификати олинмаслиги, керакли вақтда хизмат кўрсатилмагани учун вужудга келади. Кейинги вақтларда қурувчи ташкилотлар олдига айнаи шу талабларга тўлиқ риоя этиш вазифаси қўйилгагани боиси шунда. Энди “Ўзи лифтларнинг созлиги учун ким жавобгар?” деган саволнинг жавобсиз қолишига йўл қўйилмайди, масъулиятнинг аниқ эгалари кўрсатилади.

— Мамлакатимизда 43 минг 471 та кўп квартиралар уй мавжуд. Шундан 5491 та уй-жойда 13 минг 789 та лифт ускунаси жойлаштирилган, — дейди Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги департамент бош мутахассиси Хусниддин Шодиев.

— Ҳар бир лифт қурилмаси кўп қаватли уйга ўрнатилиши билан тўлиқ техник текширувдан ўтказилади. Бу қурилмани ўрнатган ёки реконструкция қилган ташкилот бош пудратчи қурилиш ташкилоти билан бирга жараёни ташкил этади. Тартибга кўра, текширув Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси томонидан бажарилади ҳамда олинган ижобий хулоса асосида лифтва мувофиқлик сертификати берилади. Борди-ю, бирор камчилик аниқланса, тўлиқ баргараф этилгандан кейингина лифтларни қабул қилиш бўйича далолатнома тузилади. Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасининг назорат қилиш инспекцияси томонидан лифт паспорти билан рўйхатга олинди ва фойдаланиш учун рухсат берилади. Бу жараён турар жойда ўрнатилаётган лифтнинг қўлла-нишга яроқли эканини аниқлаб беради.

Кейинги босқичда эса кўп қаватли уйлардаги лифтларнинг эгаси мазкур уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув ташкилоти

бўлади. Бу ташкилот лифт қурилмаларининг ўз вақтида техник назоратдан ўтказилиши ва самарали фойдаланилишини таъминлайди. Лифтларга хизмат кўрсатиш рухсатномасига эга ташкилот билан тузилган шартнома асосида техник кўрик муддатини белгилайди. Бу текширув ўзаро келишув асосида ҳар ойда, ҳар уч ойда, ҳар олти ойда ёки бир йилда бир бўлиши мумкин. Аммо тартибга кўра, лифт ускуналари камида икки ойда бир марта техник қўриқдан ўтказилиши, махсус рухсатномага эга ташкилотлар томонидан йилда бир марта мукамал техник синов ўтказилиши зарур.

Лифт тўсатдан тўхтаб қолса...

Лифт қурилмаси — техник ускуна. Шу боис, бузилиб ёки тўхтаб қолиш, ишдан чиқиш каби вазиятлардан холи эмас. Лифтдаги ортиқча юк қурилманинг ҳаракатдан тўхташи ва бора-бора техник носозлигини келтириб чиқариши мумкин. Бу кўпинча лифддан фойдаланганда меъёрий талабларга риоя қилимаслик туфайли юзага келади ва мулк эгаларининг ўзи ҳам бунга сабабчи. Оддий мисол: лифт кабинасидаги йўловчилик рухсат этилган сони ҳақидаги огоҳлантирув маълумотномасига қарамай, баъзан керагидан ортиқ қўйилганда меъёрий талабларга риоя қилиш бўйича далолатнома тузилади. Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасининг назорат қилиш инспекцияси томонидан лифт паспорти билан рўйхатга олинди ва фойдаланиш учун рухсат берилади. Бу жараён турар жойда ўрнатилаётган лифтнинг қўлла-нишга яроқли эканини аниқлаб беради.

Кейинги босқичда эса кўп қаватли уйлардаги лифтларнинг эгаси мазкур уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув ташкилоти

чақалоқларни аравачада ташиш тартибини назарда тутувчи пунктлар мавжуд. Қолаверса, чақирув тугмаларини қасддан синдириш, лифт эшикларини ҳаракат ва ҳаракатсизлик даврида қўл билан очишга уриниш қатъиян тақиқланади. Фойдаланувчилар лифтларга зарар етказгани учун тегишли тартибда жавобгарлик белгиланган. Аммо кўпинча бунга эътибор берилмайди.

Бугун лифтларда кузатилаётган асосий муаммолар ҳам шулардан иборат экани айтилмоқда. Ўйни фуқароларнинг лифтлардан нотўғри фойдаланиши натижасида эшик сенсорлари қуриши, куч ишлатиш оқибатида эшикларга зарар етиши, шунингдек, бошқарув органлари ва сервис ташкилотлари ўртасида шартнома тузилмагани ёки шартнома талабларига амал қилинмаётгани турли салбий ҳолатларни юзага келтиряпти. Лифтлар тўсатдан тўхтаб қолаётгани, ҳеч қанча ишлай, носоз ҳолга келаётгани бунга мисол.

Бундай вазият дарҳол хизмат кўрсатувчи компанияга мурожаат қилинади. Асосий вазифа лифтва қолган одамларни қисқа муддатда, талафотсиз чиқариб олишдир. Мутасаддиларнинг айтишича, лифт бузилиб қолганда, сервис ташкилоти 1 соатда муаммони ўрганиб, баргараф этиш чорасини кўради. Лифтда одам қолиб кетган ҳолат кузатилса, бошқарув органи мутахассиси бирламчи ёрдам кўрсатиб, лифтвадги одамни чиқариб олиши зарур. Мазкур вазиятда бошқарув органи диспетчерлигига авария ҳолати тўғрисида хабар бериш воситаси ёҳуд телефон орқали келиб тушган мурожаат 5-15 дақиқада ҳал этилиши керак.

Қутилмаган вазиятларда тезкор хабар бериш учун лифт кабинасида керакли воситалар бўлиши талаб этилади. Аввало, фавқулодда ҳолатларда боғланиш учун телефон рақамлари кўрсатилиши зарур. Қолаверса,

авария-қутқарув қурилмаси (ARD), кузатув камераси, алоқани кучайтириш қурилмаси, авария ҳолати тўғрисида хабар бериш воситаси мавжуд бўлиши керак. Мазкур талаблар давлат таъминлайди. Одатда кўзимиз тузуганидан тегишли рақамлар алоқа воситаларининг номига туришига энди йўл қўйилмайди. Одамлар улардан керакли вақтда фойдалана олиши керак. Мутасаддилар қўяётган талаб ҳам шундай. Чунки кўп қаватли уйда яшовчи аҳоли учун лифт қурилмасининг созлиги ва хавфсизлиги жуда муҳим. Бунинг назоратга олиш учун чора-тадбирлар қулайтириляпти.

Кўп квартиралар уйлардаги лифт ускуналарининг техник ҳолатини тубдан яхшилаш, аҳолига хавфсиз шарт-шароит яратиш, эҳти-молий авария ҳолатларининг олдини олиш, лифт ускуналарини мониторинг қилиш

“Хавфсиз лифт” платформаси ишга туширилади

Тизимни рақамлаштириш, кузатув механизмининг янада кучайтириш, лифт кабиналаридаги алоқа каналларини яхшилаш фавқулодда ҳолатларда тезкор чора қўришни таъминлайди. Одатда кўзимиз тузуганидан тегишли рақамлар алоқа воситаларининг номига туришига энди йўл қўйилмайди. Одамлар улардан керакли вақтда фойдалана олиши керак. Мутасаддилар қўяётган талаб ҳам шундай. Чунки кўп қаватли уйда яшовчи аҳоли учун лифт қурилмасининг созлиги ва хавфсизлиги жуда муҳим. Бунинг назоратга олиш учун чора-тадбирлар қулайтириляпти.

Кўп квартиралар уйлардаги лифт ускуналарининг техник ҳолатини тубдан яхшилаш, аҳолига хавфсиз шарт-шароит яратиш, эҳти-молий авария ҳолатларининг олдини олиш, лифт ускуналарини мониторинг қилиш



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



 **Ислоҳот одимлари**

Бугун биз катта давр бошида турибмиз: сунъий интеллект тилимизни глобал миқёсда таништириш учун имконият яратмоқда. Кўз ўнгимизда ўзбекча тили фақат тарихий ва маданий мерос эмас, балкики рақамли технологиялар орқали келажакка йўл олувчи қудратли воситага айланмоқда. Бундан-да юқори натижаларга эришиш эса кўпроқ ёш авлодга боғлиқ.

**Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Шоир қалби қувончга тўлганида ёруғ мисралар битади. Шодлигини, бутунидан ризолик кайфиятини бошқаларга ҳам улаша олади. Ижодкор нимадан, қандай қувонч топади? Нелар уни қалам тебратишга ундайди? Бу саволларга жавоб топаман, десангиз минг турли шарҳ, юз турфа фикр майдонга чиқаверади. Аммо асрлар қаъридан келаётган бир ҳақиқат бор: ижодкор, умуман, кўнгил одами ватанида тинч-хотиржам яшаса, элнинг қувончли кунларига шохид бўлса, қалби илҳомга тўлади.



Хуршида ВАҲОБЖОН қизи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилояти бўлими раҳбари

Мирзо Бобур даврида водийнинг маркази бўлган Андижон кундан кунга чирой очиб, обод, мафтункор худудга айланиб бормоқда. Айниқса, айни баҳор фаслида нафақат қизғалдоқларга бурканган қир-адирлари, балки шаҳар ва туманлар марказлари ҳам гўзал манзарали дарахтлар, чаман гуллаган павловниялар, ландшафт дизайнида нақшинкор кўрпадек тўшалган ноёб гуллар билан ўзгача мафтункорлик, оромбахшлик касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга ташрифи халқ сайиллари, маънавият, адабиёт байрамларига айланиб кетди. Президентимиз янги корхоналар фаолияти, саноат, энергетика, шаҳарсозлик, қурилиш

ва бунёдкорлик, халқимиз турмуш шароитининг яхшиланиши ва бошқа соҳалардаги ишлар билан танишди. Андижон тажрибаси сифатида бошқа вилоятлар раҳбарларига ҳам таълим этилган ислохотлар, саноат корхоналари фаолияти, бунёдкорлик ишлари нафақат тадбиркорлар, ишбилармонлар, балки барчанинг қалбида катта қизиқиш, фахрийтихор туйғуларини уйғотди.

Халқнинг розилиги, қувончи жамиятнинг атом энергияси десак, муволаға бўлмайди. У ҳеч қачон тугамайди. Бир меъёрда барқарор қувват беради. Бундай қувватга эга жамият аъзолари қанот чиқариб учига қодир шижоат ила олға интилади.

Дарвоқе, учиб ҳақида. Президентимиз дастлаб Андижон аэропортидаги модернизациялаш ишлари билан танишди. 1978 йилда қурилган ушбу аэропорт учиб-қўниш йўлагининг юк қўтариш имконияти пастлиги, замонавий ёритиш тизимлари йўқлиги, ҳозирги халқаро талабларга мос келмай қолгани туфайли фаолияти чекланганди. Чет эллик сайёҳлар ва бошқа йўловчилар Фарғона ва Наманган аэропортлари орқали Андижонга келиб кетаётганди.

Бугун реконструкция ишларининг биринчи босқичи битказилиб, узунлиги 3300, кенлиги 60 метр бўлган янги учиб-қўниш йўлаги, юриш йўлаги ва самолётлар тўхташ жойи қурилди. Дренаж тизими янгиланиб, ер ости суви қочирилди.

Иккинчи юриш йўлаги қурилиши давом эттирилиб, ICAO CAT-II тоифасидаги радар, метеорология ва ёритиш ускуналарини ўрнатиб ишлари якунига етказилса, Boeing, Airbus русумидаги йирик самолётларни ҳам ноқулай об-ҳаво шароити ва тунги вақтларда қабул қилиш имкони вужудга келади ҳамда парвозлар сонини ўн баробаргача ошириш мумкин.

Кейинги босқичда йўловчи терминалини янгидан қуриш орқали йўловчиларга хизмат кўрсатиш қуввати уч баробар, парвозлар сони эса йилга 584 тадан 3700 тага етказилади. Яқинда фаолияти тикланган аэропорт ҳозирча Тошкент ва Андижон шаҳарлари ўртасида қатнаётган бўлса, модернизация

ишлари тўлиқ якунига етгач, бошқа маҳаллий ҳамда халқаро қатновлар йўлга қўйилари. Бу эса Бобур юртида сайёҳлик ривожланиши, янада кўп чет эл инвестори жалб этилиши учун ҳам манфаатлидир. Шулар ҳақида ўйлагани сари одамнинг юраги ажиб туйғулар оғушида қолади. Ўйлар узоқ ўтиши, яқин келажақ орасида кезинади.

Кечагидай эсимда: 2024 йил 15-16 февраль кунлари давлатимиз раҳбари Андижон вилоятига ташрифи давомида қатор лойиҳалар билан танишган, вилоятда саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, қурилиш, бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтириш,

янги иш ўрни очилди. Албатта, иш билан таъминланиши аҳолининг турмуш шароити яхшиланиши учун муҳим омил.

Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятини комплекс ривожлантириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган йиғилишда одамларнинг кундалик ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар яққол намоён бўлаётгани, ислохотлар ижросига астойдил киришिलाётгани, янги Ўзбекистон шукуҳи вилоятнинг ҳар бир маҳалласига, ҳар бир хонадонига кириб улгурганини алоҳида таъкидлади.

Андижон Ўзбекистоннинг бир фойз ерида ўн фойз аҳоли яшайдиган энг зич худудидир. Президентимиз 2021 йил 17 июнда

“Бобур шаҳри” деб ном бериш таклифини билдирганида қалбларни ҳаяжон, фахр-ифтихор туйғулари қамраб олди.

“Ҳеч шубҳасиз, қомусий билим ва тафаккур эгаси бўлган бу мумтоз аждодимизнинг биргина “Бобурнома” асари учун ҳам унинг шарафига мана шундай гўзал шаҳарни бунёд этсак арзийди”, деди Президентимиз.

Бобур Мирзо туғилиб ўсган табаррук заминда унинг дилида қолган армонлар рўёбга чиқмоқда. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг маҳобатли монументини ҳаққоний акс эттириш бўйича Президентимиз ўз фикрларини билдирди. Атрофни бобурийлар томонидан Ҳинд диёрида қад ростлаган, асрлар давомида инсоният аҳлини ҳайратга, ҳаяжонга солиб келаётган меъморий обидаларнинг андозаси ўлароқ мажмуа яратиш режаси келгусида бу шаҳарнинг оламшумул шухрат қозонишидан дарак. Чунки Бобур шаҳри ўтмиш — улуг аждодларимизнинг боқий маданий мероси ва бугунимиз ўртасида кўприк бўлиб хизмат қилади.

Президентимиз нутқларидан бирида бежиз халқпарвар шоир Чўлпоннинг “Адабиёт яшаса — миллат яшар” деган сўзларини тилга олмаган. Пойтахтимизнинг энг гавжум, гўзал гўшаси “Адиблар хибони”га айлантирилди. Мумтоз ва замонавий адабиёт вакилларига қаратилган юксак эътиборнинг узвий давоми сифатида Бобур шаҳри барпо этилиши, келгусида истеъдодларни, илм-фан, маданият, спорт соҳаларининг етуқ вакилларини етиштиришга қаратилган ақли шаҳарга айлантирилиши Учинчи Ренессансга қўйилган пойдеворлардан биридир.

— Биз улуг тарихий воқеага гувоҳ бўлдик. Тасаввуримда ўз шахси, бой илмий-маънавий, адабий мероси, бунёдкорлик ишлари билан дунёга довуқ таратган Бобур Мирзонинг ўзидек оламшумул, улугвор шаҳар бўй кўрсатди. Бобур экспедицияси сафида эллиқдан зиёд шаҳарга борган бўлсак, ҳар гал сафар чоғида у зотнинг юрт соғинчи изтиробларини юрагимдан ҳис қилганман, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, адиб Қамчибек Кенжа. — Бобур Мирзо пойтахтни Деҳлидан Аграга

қўчириб, у ерни обод қилган. Ўз давлати пойтахтида Жамна дарёсининг бир томонида “Боғи ором”ни барпо этган. Дарёнинг шабадаси уриб турадиган, сердрахт, гулларга бурканган шу масканда подшоҳ оиласи билан яшаган. Иншоотнинг ер ости қисмида қабулхона бўлиб, иссиқ мамлакат шароитида элчиларни ўша жойда қабул қилган. Жамнанинг иккинчи томонида эса дунёдаги етти мўъжизанинг бири бўлган “Тожмаҳал” кўр тўкиб турибди. Давлатимиз раҳбарининг нутқини тинглар эканман, беихтиёр ана шу тарихий обидалар юртимизда қайта жонланаётгани кўз олдимга келди.

Давлатимиз раҳбари янги боғда ҳунармандчилик, бадий ва амалий санъат кўргазмаларини кўздан кечирди. Илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт, истеъдод ҳомиysi бўлган буюк Бобур шаҳрида келгусида ҳар йили расомлар, халқ амалий санъати усталарининг фестивалларини ўтказиш, таниқли шоирларнинг шеърлари янграб турадиган анжуманлар ташкил этиши айна мудио экани ҳақида фикр билдирди.

— Мамлакатимиз раҳбарининг барча ислохоти Бобур Мирзо каби улуг аждодларимизнинг орзулари, ҳаётий идеаллари, улугвор максалларига ҳамоҳанг экани, бир умр ватан соғинчи билан яшаган буюк аждодимизнинг ўз она юртига руҳан қайтгани ҳақидаги сўзлари қалбларимиз тубидаги истакларга ҳамоҳангдир, — дейди Бобур номидagi халқаро фонд раҳбари Зокиржон Машрабов. — Бобур шаҳрини энг гўзал, замонавий шаҳарга, миллий кадриятлардан сўловчи маънавий масканига, таълим, илм-фан, илҳом ва ибрат шаҳрига, туризм ва маданият марказига айлантириш каби улуг режалар қаторида фондимиз фаолияти, қилган ишларимиз тилга олингани катта эътироф ва ишончдир. Бунинг учун чексиз миннатдорман.

Президентимиз орзу қилганидек, адолатли шох, мард, жасур, тадбиркор, бунёдкор шахс номи билан аталган бу шаҳар юртимиз шухратини оламга ёйдиган ҳақиқий бобурийларга бешик бўлиши, шонли тарихимиз ва келажгимиз ўртасида маънавий кўприк вазифасини ўташи шубҳасиз.

Хануз ўзини англашда давом этаётган одамзод ўзи иштирокчиси бўлган муаммоларнинг юзага келиш сабабларини ўздан эмас, ташқаридан қидиришга одатлангандек тасаввур ҳосил қилади. Масалан, автомобиль бошқариб, шаҳар кўчаларида тирбандликда қолиб кетсак, бирдан машина кўпайиб кетганидан ёзгира бошлаймиз. Ваҳоланки, ўзимиз ҳам мана шу тирбандликнинг орасидамиз ва иштирокчиларидан биримиз. Ёки экология ёмонлашиб кетаётгани ҳақида гап очилса, яна аҳоли сони тез кўпаяётгани ҳақида гапирамиз. Аслида, шу одамлар қаторида ўзимиз борлигимизни унутамиз гўё.



Одамлар орасида

ҲАЁТДАН ҲИКМАТ ҚИДИРИБ ЯШАСАК...

бошлади. Чиқиндиларни қопга жойлаб бўлиб, уларнинг олдига келиб эътибор берсак, pista пўчоғидан кичкина уюм ҳосил қилибди. Келганимизни кўриб “Шуни ҳам супуриб олинглар энди биратўла”, деб буйруқ берган бўлди. Ёш бўлсак ҳам шу пайт гап демоққа гап зое деб тилимизни тишладик. Нега буни эсладим? Аксариятимиз табиятга, одамларга ёрдам бераман, деб муаммони баттар мураккаблаштириб юборамиз. Афсуски, бундай ҳолат кундалиқ турмушимизда кўп учрайди.

Илм-фан мухлиси бўлган бобом бир сафар далада айланиб юрганимизда айтганди: “Дунё қизик-да. Экинчлари 1-2 та зарарқунанданан асраймиш деб уларга қўшиб поялар ичида учиб юрган асалари каби фойдали ҳашаротларнинг ҳам бошига га тамиз. Бу қош қўяман деб кўз чиқариш эмасми?”.

Ўйлаб қарасак, одамларга ёрдам бераман деб зарар етказиб қўйиш ҳаётимизга жуда чуқур сингиб кетган жараён. Масалан, автомобилни ихтиро қилган олим олис масофани яқин қилган, лекин айнан ундан чиқаётган зарарли газ бир кун келиб, экология учун жиддий хавфга айланиши мумкинлиги ҳақида ўйлаганмикан?

Ўқотар қуролларни яратган ихтирочи улардан пайти етиб, ёвуз ниятда фойдаланиш мумкинлигини туйганимикан?

Аслида, саноатда қўллашга мўлжалланган порох, кейинчалик атом яратган олимлар орадан вақт ўтиб, уни кашф этганидан қаттиқ пушаймон бўлгани манбаларда қайд этилган. Бундай “ихтиро”лар кундалиқ ҳаётимизда ҳам учрайди. Айтайлик, фарзандларимизни ортиқча эрқалатиш, бошқа болалардан ҳимоя қилиш, ёнини олишга уринаверамиз. Бироқ шу туфайли уларни ўзига ишонмайдиган, ҳар доим атрофдагилардан мадад кутиб яшайдиган журъатсизга айлантириб қўйганимизни вақтида англамай қоламиз. Тўғри, суяг қотгади деб болани шундай мухитга ташлаб қўйиш ҳам хато, бироқ ота-боболаримиз

тарбияда ҳамиша ўзига ишонч туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор бериб келган.

Яқинда метрода тикйилнч пайти икки йўловчи тортишиб қолганига гувоҳ бўлдим. Бу ҳолат бирининг иккинчисига жой бермаганидан келиб чиқди чоғи, ёшроғи: “Бу — метро, ўз номи билан жамоат транспорт. Ана, хоҳласангиз, кўчага чиқиб, таксида юринг бу ерда насихат қилмасдан” деб дўқ урди. Жамоат транспортда жой сўраш қўпчилиққа эриш туоларкан, назаримда. Бу эътирозни қўллаб-қувватлаганлар ҳам топилма қолди. Натигада эса эътироз соҳибни тўғри иш қилдим деб ўйлагани аниқ, Демак, у кейинги гал бошқа биров билан шу масалада тортишиб қолса, яна шундай дейиши аниқ. Айримлар бу ишни яна маъқуллайдди.

Унинг ҳаёлига жамоатчилик олдида ўзимга ўхшаган бир одамни мулзам қилипман, инсонийлик қоддаларини бузаяпман, деган фикр сира келмайдиган бўлиб қолади. Нимага? Чунки унинг бу одатини атрофдагилар маъқуллаяпти. Демак, ҳаммаси тўғри деб ҳисоблайди.

Энг хавотирлиси, бу каби ҳолат оқумли бўлади. Масалан, ҳозир ҳажддор ўқитувчисининг танбехини видеога олиб, уни ижтимоий тармоқларга чиқариб юборадиганлар кўпайди. Тўғри, ўқитувчининг ўқувчига қўпол муомала қилиши,

ҳақоратлаши мутлақо нотўғри. Бу ерда қонун бор, жамоатчилик назорати ишлаши керак. Айни дамда бу каби ўқувчиларни олқишловчилар оз эмаслиги бор гап. Лекин шуларни деб ўқитувчи ҳақида салбий таассуротни кучайтираётганлар камми?!

Шуларни қоралар эканман, ижтимоий тармоқларда бир ҳайдовчи йўллардаги 52 та радарни пневматик курул билан ишдан чиқаргани ҳақида хабарлар тарқалди. Бу хатти-ҳаракати билан у учар ҳайдовчиларга яхши кўринаман, уларнинг олқишини оламдан деб ўйлагандир балки. Бироқ шу ишни қилаётган пайтда босар-тусарини билмайдиган айрим ҳайдовчилар қанчадан-қанча одамнинг умрига зомин бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаганмикан? Фафур Ғулмонинг бундай сатрлари бор:

“Шухрат қолдирмоққа

Геростратдек,
Диана маъбадин бузмоқ шарт эмас”.

Фанда “Герострат комплекси” деган ибора қўлланилади. Бу ном қолдириш, танилиш учун ибодатхонага ўт қўйган одамнинг характерида келиб чиққан. Ҳозир бу ибора ҳар қандай йўл, ҳатто, сўкиш, ҳақорат қилиш, жисмоний куч ишлатиш билан бўлса-да танилиш, ном қозонишга мубтало бўлганларга нисбатан қўлланади. Улар ўз хатти-ҳаракати жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланиши учун ёлгон гапириш, дўқ уриб қўрқитиш, ўзравонлиқдан ҳам қайтмайди. Шу маънода, кўча-кўйда, қўлимиздан тушмайдиган турли электрон воситаларда акс этаётган салбий манзаралар одамийлик мулки бўлган кадриятларимиз, инсоний муносабатларимизни вайрон қилишидан хавотирланишга арзийди.

Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун бунарни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида сахифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. **Буюртма** Т-446.

36811 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.

Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов

Мусаххас: Шерзод Маҳмудов

Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:

100060, Тошкент шаҳри, Шайхисабз кўчаси, 85-уй

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz (71) 233-47-05